


## ТАШКИ ЁРИТИШ ВА ТОВУШ БЕРИШ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАКИДА

Коронги вақтда ва етарлича куринмайдиган шароитда, шунингдек тоннелларда ҳаракатланаётган барча транспорт воситалари йулнинг ёритилмаган қисмида узокни (А) ёки яқин (Б) масофани ёритувчи фараларни (230-расм);

-велосипеддаги фара ёки фонарларни;

-тиркамаларнинг габарит чирокларини (В) ёкиши керак.


Узокни ёритувчи (А) фара урнига яқинни ёритувчи (Б) фарани қуйидаги ҳолларда ёкиш керак:



-аҳоли яшайдиган жойларда йул ёритилган булса;

-яқинлашиб келаётган транспорт воситаларининг оралик масофани 150 метрдан камроқ масофа қолганда, шунингдек, ҳайдовчи автомобил чирокларини вақти-вақти билан учириб, бунга зарурият борлигини билдирган ҳолларда ундан ҳам қупроқ масофада (231-расм, “А” ва “Б”);


-карама-карши ва бир йуналишдаги ҳайдовчиларнинг қузини камаштириши мумкин булган бошқа ҳолларда (232-расм, “Г”)



чирокни учириш зарур.

Куннинг қоронги вақтида йулнинг ёритилмаган қисмида, шунингдек, атроф етарлича қуринмайдиган шароитда тухтаган ёки тухтаб турган транспортнинг габарит чироклари ёкилган бўлиши керак (233, 234-расмлар, “В”).

Етарлича қуринмайдиган шароитда “габарит” чирокларига



қушимча қилиб яқинни ёритувчи фаралар (“В”), туманга қарши фаралар (“Д”) ва туманга қарши орқа чироклар (“Е”) ёкилиши мумкин (234-расм).

Туманга қарши фаралар (“Д”) қуйидаги шароитларда ишлатилади:



-етарли қуринмайдиган шароитларда алоҳида ҳамда яқин (“В”) ёки узок масофани ёритувчи (“А”) фаралар билан бирга;

-коронги тушган вақтда йулнинг ёритилмаган томонига якин (“Б”) ёки узок (“А”) масофани ёритувчи фаралар билан биргаликда;

Куннинг ёруғ вақтида куйидаги холларда якин масофани ёритувчи фаралар ёкилиши керак (235-расм, (“Б”);


-бир гурух транспорт воситаларини сафида ҳаракатланаётганда (236-расм, “Б”);

-умумий ҳаракат оқимиға қар-



ши йуналишда махсус ажратилган булакда ҳаракатланаётган, белгиланган йуналишдаги транспорт воситаларида (237-расм, “Д”);



-болалар гуруҳини автобус



ёки юк автомобилларида ташкилий ташишда (238-расм, “Б”);



-ҳавли, катта улчамли ва огир





ваззли юкларни ташишда (239-расм, “Б”);

-механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган автомобилда) (240-расм, “Д”).

“Фара-прожектор” ва изловчи фаралардан факат аҳоли яшамайдиган жойларда, қарама-қарши йуналишда келаётган транспорт воситалари булмаганда фойдаланиш мумкин (241-расм, “Ж”).

Ахоли яшайдиган жойларда эса бундай фаралардан факат хизмат вазибаларини бажараётган тезкор ва махсус хизмат транспорт воситаларининг хайдовчилари




фойдаланадилар (241-расм, “Ж”).

Автомобилнинг орка томонига урнатилган фаралар факат туман тушганда ёки куриниш етарли даражада булмаганда кулланади (242-расм, “Е”).


Туманга карши ёкиладиган орка томондаги чирокларни тухташ ишорасини берадиган чирокка улаш такикланади (242-расм, “Е” ва “И”).

#### “Автопоезд” таникли белгиси





автопоезд харакатланаётганда ва куннингкуннинг коронги вақтида йулда тухтаб турганда ёкилади (243-расм, “К” ва 244-расм, “К”).

## Йулларда курилиш, таъмирлаш-



тузатиш ёки тозалаш ишлари олиб борилаётганда, шунингдек, огир вазнда, катта улчамли ёки хавфли юкларни ортиб кетаётган транспорт воситаларида тук сарик ёри сарик рангли милтилловчи чирок (245-расм, “Л”) ёниб туриши керак (246-расм, “Л”).



Товушли ишоралар куйидаги шароитларда кулланади:

-ахоли яшамайдиган жойларда харакатланиб кетаётган автомобилга (247-расм) оркадан келаётган автомобил хайдовчиси кувиб утиш максadini билдириш пайтида;

-йул-транспорт ходисасининг олдини олиш учун.

Товушли ишора билан чирок ишорасини оркада келаётган автомобил хайдовчиси олдинда харакатланаётган транспорт воситаси хайдовчисига кувиб утмокчи эканлигини билдириш учун ёкади. Кун ёругида фара чироги учуриб ёндирилади; коронги вақтда якин масофани ёритадиган чирок ва бир вақтда узок масофани ёритадиган чирок ва бир вақтда узок масофани ёритадиган чирок бир неча марталаб алмаштириб ёкилади (248-расм).